

"Ravnaq-bank" АЖ Кузатув кенгаши томонидан  
2021 йил "\_\_\_\_" \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_ – сонли мажлис баёни билан  
"Т А С Д И Қ Л А Н Г А Н"  
Банк Кузатув кенгаши Раиси

Пулатов Ш.А.

---

**“Ravnaq-bank” АЖ коррупцияга қарши курашиш  
СИЁСАТИ**

**ТОШКЕНТ-2021**

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. “Ravnaq-bank” акциядорлик жамияти коррупцияга қарши курашиш сиёсати” (бундан буён матнда “Сиёсат” деб юритилади) “Ravnaq-bank” акциядорлик жамияти (бундан буён матнда “Банк” деб юритилади) ички меъёрий ҳужжати бўлиб, Банкнинг коррупцияга қарши курашиш ва унингпрофилактикаси соҳасидаги сиёсати, банк ходимларининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этишининг асосий тамойилларини белгилаб беради.

2. Сиёсат Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармониға мувофиқ, “Коррупцияга қарши курашиш менежменти тизимлари – Фойдаланиш бўйича талаблар ва тавсиялар” халқаро стандарти, коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро ташкилотлар ҳужжатлари ва тавсиялари, илғор халқаро амалиёт асосида ишлаб чиқилган.

3. Мазкур Сиёсат Банкнинг Бош офиси, филиаллари, банк хизматлари марказлари ҳамда мини-банклари, шунингдек Банкнинг барча ходимлари учун мажбурий ҳисобланади.

4. Мазкур Сиёсат мақсадларида қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**коррупция** – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

**коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик** – коррупция белгиларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

**коррупциявий хавф-хатар** – шахслар томонидан Банк ва унинг тизими номидан ва (ёки) уларнинг манфаатларини кўзлаб коррупциявий ҳаракатларни содир этиш хавфи;

**коррупциявий омиллар** – Банк ходими учун асосиз равишда кўриб чиқишнинг кенг доирасини ёки умумий қоидалардан чиқувчи истисноларни асосиз қўллаш имкониятини берувчи, Банк ходимлари, контрагентлари ва мижозларига ноаниқ, бажарилиши қийин бўлган ва (ёки) оғирлаштирилган талабларни, шунингдек ҳуқуқни тартибга солишдаги бўшлиқларни ўз ичига олган Банк ички меъёрий ҳужжатлари;

**коррупциявий ҳаракатлар** – Банк манфаатларига путур етказувчи, ўз манфаатлари ва (ёки) учинчи шахслар манфаатларини кўзлаб ўз хизмат мавқеи ва ваколатларидан қонунга хилоф равишда фойдаланган ҳолда моддий ва (ёки) номоддий ҳақ эвазига амалга ошириладиган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик;

**коррупцияга қарши курашиш тизими** – амалдаги қонун ҳужжатлари ва Банк ички ҳужжатларида коррупциявий омилларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, Банк ходимларида коррупцияганисбатан мурасиз муносабатни шакллантириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи.

Мазкур Сиёсатда қўлланилган бошқа тушунча ва атамалар қонун ҳужжатлари ва халқаро ҳужжатларда назарда тутилган маънода ишлатилади.

## **2-боб. Банкнинг коррупцияга қарши курашишда мақсади ва тамойиллари**

5. Мазкур Сиёсат Банкнинг очик ва қонуний бизнес юритиш, корпоратив маданиятини юксалтириш, Банкнинг корпоратив бошқарувнинг энг илғор амалиётига сўзсиз риоя қилиши ва юксак ишбилармонлик обрўсини таъминлашга қаратилган.

6. Банкнинг коррупцияга қарши курашишдаги мақсадлари:

Банк ва банк ходимларининг коррупциявий ҳаракатларга аралашуви хатарини кескин камайтириш ва йўқ қилиш;

Банк Бошқаруви, акциядорлари, инвесторлари, контрагентлари, ходимлари ва бошқа манфаатдор шахсларида Банкнинг коррупциянинг ҳар қандай кўриниши ва шаклига нисбатан муросасиз муносабатда эжанлиги ҳақидаги ягона тушунчани шакллантириш;

Банк ходимларининг мазкур Сиёсат ҳамда Банкнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги бошқа ички меъёрий ҳужжатларини билиш ва риоя қилиш мажбуриятини ўрнатиш.

7. Банкнинг коррупцияга қарши курашишдаги фаолиятининг асосий тамойиллари:

қонунийлик;

коррупциянинг ҳар қандай кўриниши ва шаклига нисбатан муросасизлик;

банк мижозларининг ҳуқуқларива қонуний манфаатларининг устуворлиги;

очиклик ва шаффофлик;

тизимлилик;

давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги;

коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги;

жавобгарликнинг муқаррарлиги.

## **3-боб. Сиёсат талаблари амалга қиладиган шахслар доираси**

8. Мазкур Сиёсатнинг талаблари қуйидаги шахсларга нисбатан татбиқ этилади:

Эгаллаб турган лавозими, бажарадиган вазифа ва функцияларидан қатъий назар Банк ва унинг тизими билан меҳнат муносабатларида бўлган ёки хизмат кўрсатиш (иш бажариш) тўғрисидаги фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида жалб қилинган Банк ва унинг тизимидаги барча ходимлар;

Банк акциядорлари ва инвесторлари, уларнинг (юримдик шахслар учун) ходимлари;

Банк Кузатув кенгаши аъзолари, тафтиш комиссияси аъзолари, корпоратив

маслаҳатчи, Ички аудит хизмати;

Банкнинг аудиторлик текширувини амалга оширувчи аудиторлик ташкилоти ва унинг ходимлари;

Банк контрагентлари ҳамда уларнинг (юримдик шахслар учун) ходимлари;

Банк мижозлари ҳамда уларнинг (юримдик шахслар учун) ходимлари;

Банк ва унинг тизимида амалиёт ўтаётган ва малака ошираётган шахслар (стажерлар), шунингдек вақтинча фаолият юритаётган ишчилар (мавжуд бўлганда). Ушбу шахслар Банкдаги фаолияти даври давомида Банк ходими сифатида қаралади ҳамда уларга нисбатан мазкур Сиёсатда белгиланган коррупцияга қарши чоралар қўлланилади.

9. Банк ва унинг тизимида меҳнат шартномаси ёки хизмат кўрсатиш (иш бажариш) тўғрисидаги фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида ишга қабул қилинаётган ҳар қандай жисмоний шахс ушбу Сиёсат билан имзо қўйган ҳолда танишишга ва унинг қоидаларига риоя қилишга мажбур.

#### **4-боб. Банкнинг коррупцияга қарши курашишда фаолият йўналишлари**

##### **10. Коррупция профилактикаси**

Банк, мазкур Сиёсат ва Банкнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ички меъёрий ҳужжатларида назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш орқали, коррупцияганаисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш йўли билан коррупция профилактикасини амалга оширади.

##### **11. Коррупциявий хавф-хатарлар ва криминоген ҳолатларни аниқлаш**

Банкнинг Юримдик бошқармаси Банк фаолияти билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, Банкнинг ички меъёрий ва бошқа ҳужжатлари лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказди.

Банк Юримдик бошқармаси Банкнинг бошқа тузилмалари томонидан бизнес-жараёнлари ва тартиб-таомилларни амалга оширилишида коррупциявий хавф-хатарларни ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ ҳодисаларни таҳлил қилади.

Банк аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш жараёнларни ишлаб чиқади, амалиётга жорий қилади ҳамда ижросини назорат қилади.

##### **12. Due diligence – контрагентларни лозим даражада текшириш**

Банк due diligence – шартномавий муносабатларга киришишдан олдин контрагентларни лозим даражада текшириш тизимини жорий қилади. Мазкур жараёнларни жорий қилиш мақсадида Банк ўз контрагентларидан уларнинг якуний бенефициарларигача бўлган таъсисчилари ва мулкдорлари ҳақидаги маълумотларни тўлиқ очиқлашни талаб қилади.

Банк ходимларига контрагентларни ва бошқа шахсларни мазкур Сиёсат ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига зид бўлган хатти-ҳаракатларни амалга ошириш учун жалб қилиш тақиқланади.

### 13. Манфаатлар тўқнашувини бошқариш

Банк ходимлари ўз хизмат мажбуриятларини бажариш ва (ёки) Банк манфаатларини ифодалаш чоғида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслиги керак.

Банкнинг махсус бўлинмалари манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш қоидаларига риоя этилиши юзасидан мониторингни амалга оширади.

Банкнинг барча бошқармалари ички ва ташқи манфаатлар тўқнашуви вужудга келиш хавфини доимий равишда аниқлаш ва баҳолаш чораларини кўради.

### 14. Ходимларни танлаш, лавозимдан лавозимга ўтказиш, моддий рағбатлантириш

Банк ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйишда касбга оид сифатлари ва алоҳида хизматларини одилона ва объектив баҳолаш асосида энг муносиб ва қобилиятли шахсларни ишга қабул қилиш ҳамда уларнинг хизмат поғоналари бўйича кўтарилишини назарда тутувчи меритократия тамойилини қўллайди.

Банк ходимларнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратади, кадрлар захирасини шакллантиради, шунингдек тизимли равишда ходимларнинг малакасини оширади, уларнинг ротациясини йўлга қўяди.

Банк Кузатув Кенгашининг ва Бошқарувининг аъзолари, шунингдек муҳим аҳамиятга эга ходимлари бенуксон ишчанлик обрўсига, банк таваккалчиликларининг самарали бошқарилишини, ўз ваколатлари доирасида асосли қарорлар қабул қилинишини таъминлаш учун зарур бўлган тажрибага, билим ва кўникмаларга эга бўлиши керак.

Банк банкнинг Кузатув Кенгаши ва Бошқаруви аъзолари, шунингдек муҳим аҳамиятга эга ходимлари банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига доимо мувофиқ бўлишини таъминлайди.

Банк ходимларига мукофот пулларини тўлаш, устама ҳақлар ва бошқа турдаги мукофотларни белгилаш жараёни барча ходимлар учун шаффоф, тенг ва холис бўлиши ҳамда ушбу Сиёсат талабларига мувофиқ келиши лозим. Банк раҳбарлари, шунингдек бўлинма бошлиқларини мукофотлашга асос бўлиб хизмат қиладиган улар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари ишлаб чиқилади. Ушбу кўрсаткичлар Банк ходимлари танишиши учун ошкор қилинади.

### 15. Совғалар, меҳмондўстлик белгилари, вакиллик харажатлари

Банк ходимлари, ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида, Банк номидан бошқа шахсларга берадиган ёки бошқа шахслардан оладиган совғалар, меҳмондўстлик белгилари, вакиллик харажатлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари талабларига ва иш муомаласи одатларига мувофиқ келиши лозим.

Банк, мазкур Сиёсат талаблари ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари талабларига мос келмайдиган ҳолларда, давлат хизматчилари, уларнинг қариндошлари ёки улар кўрсатган шахсларнинг харажатларини тўлаши тақиқланади.

### 16. Ҳомийлик ва хайрия фаолияти

Банк қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ҳомийлик

ва хайрия ёрдами сифатида мол-мулклар олиши ҳамда ўзи ҳомийлик ва хайрия фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

Банк ҳомийлик ва хайрия фаолиятини амалга оширишда коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳамда мазкур Сиёсат талабларига қатъий риоя қилиши лозим.

Банк ҳомийлик ва хайрия ёрдами сифатида мол-мулк олганда ҳомийлик ва хайрия сифатида олинган мол-мулк таснифи ва қиймати, ушбу мол-мулкни берган юридик ва жисмоний шахслар, юридик шахсларнинг таъсисчилари, олинган мол-мулкнинг қайси мақсадларга сарфланганлиги (сарфланиши) ҳақидаги маълумотларни Интернет тармоғидаги ўзининг расмий сайтида эълон қилиб боради.

#### 17. Молиявий ва техник назорат

Банк томонидан доимий асосда Банкнинг таркибий бўлинмалари фаолиятининг ички ва ташқи аудити, бухгалтерия ҳисобининг тўлиқ ва тўғри юритилиши, қонун ҳужжатлари, Банк ички меъёрий ҳужжатлари, шу жумладан мазкур Сиёсатга риоя этилиши устидан назорат тадбирлари ўтказилиши мумкин.

Банк, ички назорат тадбирлари доирасида, бўлинмалар томонидан асосий бизнес-жараёнларнинг бажарилиши, шу жумладан амалга оширилаётган тўловларнинг қонунийлиги, иқтисодий жиҳатдан асослантирилганлиги, харажатларнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан текширув ўтказилиши мумкин.

#### 18. Ходимлар билан муносабатлар

Банк ходимларига бевосита ва билвосита, шахсан ёки воситачи орқали коррупциявий ҳаракатларда иштирок этиш, пора олиш, бериш ёки беришни таклиф ёхуд ваъда қилиш, ўз ваколатларини суиистеъмол қилиш, тижоратда пора эвазига оғдириб олиш ва бошқа коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этиш қонун билан таъқиб қилинади.

Банк ходимларида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида Банк томонидан доимий равишда ўқув-ахборот тадбирлари ташкил этилади.

19. Содир этилган ёки содир этилиши эҳтимоли бўлган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш.

Банк, содир этилган ёки содир этилиши эҳтимоли бўлган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш учун “ишонч телефони”, махсус электрон почта ва бошқа ахборот каналларини ташкил этади.

Банк ижтимоий тармоқларда ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари томонидан Банк фаолияти ҳақидаги эълон қилинаётган материаллар ва изоҳ (комментарий)ларни кузатиб боради, Банк фаолияти танқид қилинганда ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик фактлари кўрсатилганда Банкнинг тегишли таркибий тузилмалари томонидан хизмат текширувлари ўтказилишини таъминлайди.

Бошқа Банк ходимлари, Банк билан ўзаро муносабатда бўлган контрагентлар ва бошқа шахслар ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) нинг қонунийлиги ёки этика қоидаларига мослиги юзасидан шубҳа туғилганда, Банк ходими зудлик билан Банкнинг “ишонч телефони”га ёки махсус электрон почтасига хабар бериши лозим.

Банкка ёки банкнинг назорати остидаги юридик шахсга алоқадор бўлган шубҳали фаолият, фирибгарлик ёхуд суиистеъмомликлар тўғрисида хабар қилган Банк Кузатув кенгаши, Бошқаруви аъзосининг ёки ходимининг шахси ошкор қилинмаслиги керак.

### **5-боб. Яқуний қоидалар**

20. Банк ходимлари мазкур Сиёсатга риоя этилиши учун масъулдирлар.

Мазкур Сиёсат талабларини бузган айбдор шахслар қонунда белгиланган тартибда интизомий, маъмурий, жиноий ва фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка тортилиши мумкин.

21. Мазкур Сиёсат Банк кенгаши томонидан тасдиқланган кундан кучга киради.

#### **Кирилди:**

Ички назорат департаменти  
директори

Беганчев О.Ё.

#### **Келишилди:**

Бошқарув Раиси

Турсунов И.Б.

Бошқарув Раиси ўринбосари

Пулатов Д.А.

Бошқарув Раиси ўринбосари

Нурмухамедов Б.Б.

Бош ҳисобчи

Ҳе С.З.

Ички аудит департаменти  
директори

Измайлова Э.З.

Таваккалчиликни бошқариш  
департаменти директори

Раджабов Б.А.

Юридик хизмати  
департаменти директори

Ходжаев У.Р.